

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

УММАТОВ МАМАРАСУЛ ТУРСУНОВИЧ

**ТАНИБ ОЛИШ УЧУН КЎРСАТИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ВА
КРИМИНАЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи
ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Умматов Мамарасул Турсунович

Таниб олиш учун кўрсатишнинг процессуал ва криминалистик
хусусиятлари.....3

Умматов Мамарасул Турсунович

Процессуальные и криминалистические особенности
предъявления для опознания.....23

Ummatov Mamarasul Tursunovich

Forensic and procedural characterization of the indentification parade.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published work.....47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Үн.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

УММАТОВ МАМАРАСУЛ ТУРСУНОВИЧ

**ТАНИБ ОЛИШ УЧУН КЎРСАТИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ВА
КРИМИНАЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-кидирув ҳукуки
ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Yu386 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ражабов Бахтиёр Алмахматович юридик фанлар доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Муродов Бахтиёржон Баходирович юридик фанлар доктори, доцент
	Мўминов Бехзод Абдувахобович юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Ҳарбий-техник институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 12 декабрь куни соат 11:30даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akadmvd.uz).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (115-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52).

Диссертация автореферати 2020 йил 30 ноябрь куни тарқатилди.

(2020 йил 30 ноябрдаги 30-рақамли реестр баённомаси).

А.С. Турсунов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Дж.Х. Юлдашев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

Р. Кабулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жиноят содир этган шахснинг айбини фош этиш, қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш, шунингдек жиноятдан жабрланган, жисмоний, мулкӣ ва маънавий зарар кўрган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган одил судловни амалга оширишда ўтказиладиган тергов ҳаракатлари, хусусан таниб олиш учун кўрсатиш салмоқли ўрин эгаллайди. Жиноят-процессуал фаолият орқали қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятларнинг олдини олиш ҳамда шахс, давлат ва жамият манфаатлари ҳимоя қилинишига эришиш мақсадида таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатининг имкониятларидан исботлаш воситаси сифатида самарали фойдалана олишга шароит яратишда уни ўтказиш тартибини такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Жаҳонда жиноят ишларини юритишда таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказиш орқали далилларни тўплаш, текшириш ва улардан процессуал қарорлар қабул қилишда, жумладан жиноят ишини мазмунан ҳал этишга оид қонуний, асосли ва адолатли ҳукм, ажрим ва қарорлар қабул қилишда, шу билан бирга тергов ва суд жараёнида юзага келадиган муаммоларнинг тўғри ечимини топишда фойдаланиш доимий зарурат ҳисобланади. Шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказиш орқали далилларни тўплаш, қонунга ҳилоф усуллар билан кўрсатувлар олиш, қонунда белгиланган тартибга зид равишда тўпланган, текширилмаган ёки ишончли бўлмаган далиллар асосида қарор чиқарилиши оқибатида айбсиз шахсларнинг жавобгарликка тортилиши, жиноят содир этган шахсларнинг жавобгарликдан қутулиб қолиши ҳолатларига йўл қўймаслик ҳамда бу борада мавжуд муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясининг кафолатларини кучайтириш, исбот қилиш жараёнида ноқонуний ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш учун самарали механизмларни йўлга қўйиш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон қарорида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг, жамият ва давлат манфаатларининг таъсирчан ва ишончли муҳофаза қилинишини таъминлаш, жиноят-процессуал қонунчилик нормаларини тизимлаштириш ва уйғунлаштириш, жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини ишончли таъминлаш механизмларини такомиллаштириш, жиноят процессининг янги шакл ва тартиб-таомилларини киритиш каби вазифалар белгиланганлиги жиноят процессида таниб олиш учун кўрсатиш тартиби ва тактикасини ривожлантирилишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 30 ноябрдаги «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5268-сон, 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6041-сон фармонлари, 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги изимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон қарори ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз олимларидан Ғ.А. Абдумажидов, Б.А. Азизходжаев, Б.Т. Акрамходжаев, А.Х. Асамутдинов, З.Ф. Иноғомжонова, Т.Б. Маматкулов, А.А. Матчанов, Д.М. Миразов, Ф.М. Мухитдинов, М.А. Раджабова, Б.А. Ражабов, Б.Н. Рашидов, А.Х. Раҳманкулов, С.М. Раҳмонова, Г.З. Тулаганова, У.А. Тухташева¹ ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ишни судга қадар юритишда исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлашга доир айрим масалалар кўриб чиқилган. Хусусан, Ғ.А. Абдумажидов, Б.Т. Акрамходжаев, Д.М. Миразов, Б.Н. Рашидов ва А.Х. Раҳманкулов каби олимлар таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатининг исбот қилиш воситалари орасида тутган ўрни ва процессуал хусусиятларини, Т.Б. Маматкулов таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатининг криминалистик хусусиятларини, жумладан ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган тактик усулларни тадқиқ этганлар.

Хорижий давлатларда Д.Н. Балашов, Н.М. Балашов, Д.А. Бурька, Т.А. Вольская, И.М. Гуткин, К.А. Гуцина, И.М. Егерев, А.М. Зинин, Л.Ф. Иванова, Е.П. Ищенко, С.В. Маликов, А.Е. Михайлов, Н.А. Моисеев, Е.Ю. Самолаева, З.Г. Самошина, Д.А. Степаненко, М.С. Строгович, А.А. Топорков, О.В. Чельшева каби олимлар томонидан таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатининг хусусиятлари ўрганилган. Хусусан,

¹ Бу ва бошқа муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

А.Е. Михайлов таниб олиш учун кўрсатишни эшитиш, ҳид ва таъм билиш каби сезги органлари орқали амалга ошириш масалаларини, Т.А. Вольская шахснинг овози ва нутқи орқали таниб олиш учун кўрсатиш масалаларини, И.М. Егерев ва Л.Ф. Иванова шахсни ташқи кўринишидан таниб олиш учун кўрсатишнинг тактик ва психологик асосларини, О.В. Чельшева тирик шахсларни ташқи кўринишидан таниб олиш учун кўрсатишнинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этишган.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар натижаларини, амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг нормалари ва уларни қўллаш амалиётини, умум эътироф этган халқаро ҳуқуқий нормалар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда жиноят процессида таниб олиш учун кўрсатишнинг процессуал ва криминалистик хусусиятлари комплекс тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг 2018–2021 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасидаги «Ўзбекистон Республикасида жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш ва жиноят-процессуал қонунчиликдаги ўзгаришларни амалиётга жорий этиш масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таниб олиш учун кўрсатишнинг процессуал ва криминалистик хусусиятларига оид ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати тушунчаси ва унинг бошқа тергов ҳаракатлари тизимида тутган ўрнини ёритиш;

жиноят процессида таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатига оид процессуал қоидаларнинг ривожланиш босқичларини тадқиқ қилиш;

таниб олиш учун кўрсатишнинг процессуал тартибини таҳлил қилиш;

таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби, тактикаси ва натижаларини расмийлаштириш масалаларини кўриб чиқиш;

таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказишнинг бугунги ҳолати ва бу борада мавжуд муаммоларни аниқлаш;

таниб олиш учун кўрсатиш натижасида олинган далилларнинг мақбуллигини таъминлашнинг жиноят-процессуал жиҳатларини ёритиш;

таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказишнинг процессуал тартиби ва криминалистик тактикасини такомиллаштириш истиқболларини кўрсатиш;

таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда миллий процессуал тизимга татбиқ этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти жиноят процессида таниб олиш учун кўрсатишнинг процессуал тартиби ва тактикасига оид ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар.

Тадқиқотнинг предмети жиноят процессида таниб олиш учун

кўрсатиш тергов ҳаракатини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидалари ва уларни қўллаш амалиёти, чет давлатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар ва назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли ёндашув, қиёсий-мантиқий, анализ ва синтез, сўров, комплекс ёндашув каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

таниб олувчини тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнида таниб олинувчига кўринмайдиган шароит яратилган хонага жойлаштириш тартибини жорий этган ҳолда унинг хавфсизлигини таъминлаш кафолатларини кучайтириш асослаб берилган;

таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказишнинг процессуал тартибини видеоконференцалоқа режимидан фойдаланишни жорий этган ҳолда такомиллаштириш асосланган;

тергов бўлинмалари фаолиятини ташкил этишда ички ишлар органлари бошлиқларининг мажбуриятларига суриштирувчи ва терговчининг иш юритувидаги жинойт ишлари бўйича таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказишда кўмаклашиш борасида топшириқларини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини ҳамда уларнинг ижроси бўйича маълумотларнинг белгиланган муддатда тақдим этилишини таъминлашни киритиш зарурати асосланган;

тергов органлари томонидан вақтинча сақлаш ҳибсхонасида сақланаётган шахсларни таниб олиш учун кўрсатишни шу жойдаги тергов хонасида амалга оширишнинг имкони бўлганда, уни вақтинча сақлаш ҳибсхонасининг тергов хонасида ўтказиш лозимлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

таниб олиш учун кўрсатишнинг процессуал ва криминалистик хусусиятларига доир Ўзбекистон Республикасининг жинойт-процессуал қонунчилиги нормаларини такомиллаштириш юзасидан билдирилган таклиф ва тавсиялар жинойтларни тез ва тўлиқ очишга, жинойт содир этган ҳар бир шахснинг айбини фош этишга, шунингдек жинойт қонунининг тўғри қўлланилишини таъминлаш орқали одил судловни кафолатлашга хизмат қилади.

Диссертация натижалари бўйича ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Жинойт-процессуал кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши исбот қилиш институтини, хусусан суд-тергов амалиётида таниб олиш учун кўрсатиш тартибини процессуал ва криминалистик жиҳатидан такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари қонунчилик нормалари, илғор хорижий тажрибалар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, жинойт-процессуал ҳуқуқ назариясида умумэътироф этилган қоидалар ва бошқа ишончли манбалар, етарли илмий далиллар асосида исботланган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи

миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган. Таниб олиш учун кўрсатишнинг процессуал ва криминалистик хусусиятлари бўйича 200 нафар суриштирувчи ва терговчининг фикрларини ўрганиш учун ўтказилган сўровлар, 200 та жиноят иши материаллари ҳамда статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилган ва тегишли тартибда расмийлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан тегишли халқаро ҳуқуқий нормалар, миллий қонун ҳужжатлари ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, қонун нормаларини шарҳлашда, жиноят-процессуал ҳуқуқ фанини бойитишда, янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш, шунингдек жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини ҳамда таниб олиш учун кўрсатишнинг процессуал ва криминалистик тартибини такомиллаштиришга доир қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишга хизмат қилишидадир.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Таниб олиш учун кўрсатишнинг процессуал ва криминалистик тартибини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида ишлаб чиқилган:

таниб олувчини тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнида таниб олинувчига кўринмайдиган шароит яратилган хонага жойлаштириш тартибини жорий қилиш, холисларнинг таниб олувчи турган жойда бўлишини қонунда белгилаш ҳақидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддаси учинчи бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 29 майдаги 06/1-05/1478вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг инобатга олиниши таниб олувчининг хавфсизлигини таъминлаш кафолатлари кучайтирилишига, шунингдек тергов ҳаракати натижаларининг шаффофлигини таъминлаш имкони кенгайтирилишига хизмат қилган;

таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказишнинг процессуал тартибини видеоконференцалоқа режимидан фойдаланишни жорий этган ҳолда такомиллаштириш лозимлиги ҳақидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддаси тўртинчи бандини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик

палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 29 майдаги 06/1-05/1478вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби соддалаштирилишига ва процессуал чиқимларнинг камайишига хизмат қилган;

тергов бўлинмалари фаолиятини ташкил этишда ички ишлар органлари бошлиқларининг мажбуриятларига суриштирувчи ва терговчининг иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказишда кўмаклашиш борасида топшириқларини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини ҳамда уларнинг ижроси бўйича маълумотларни белгиланган муддатда тақдим этилишини таъминлашни киритишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 12 июндаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 100-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»нинг 24-банди учинчи хатбошисини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ташкилий департаментининг 2020 йил 28 октябрдаги 6/1592-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг инobatга олиниши тергов амалиётида таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ўтказилишига хизмат қилган;

тергов органлари томонидан вақтинча сақлаш ҳибсхонасида сақланаётган шахсларни таниб олиш учун кўрсатишни шу жойдаги тергов хонасида амалга оширишнинг имкони бўлганда, уни вақтинча сақлаш ҳибсхонасининг тергов хонасида ўтказиш лозимлигига доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 171-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидалари»нинг 190-бандини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ташкилий департаментининг 2020 йил 28 октябрдаги 6/1592-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг инobatга олиниши тергов амалиётида таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўз вақтида ўтказилишига ва процессуал чиқимларнинг камайишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 14 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 7 та халқаро, 7 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияда муҳокама қилиниб, маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 24 та илмий иш, шу жумладан 10 та илмий мақола (2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб ҳажми 151 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги асослантирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертациянинг ИИВ Академияси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси ҳамда эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Жиноят процессида таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатининг назарий-ҳуқуқий асослари»**га бағишланган бўлиб, унда таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати тушунчаси ва унинг бошқа тергов ҳаракатлари тизимида тутган ўрни, жиноят процессида таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатига оид процессуал қоидаларнинг ривожланиш босқичлари ҳамда таниб олиш учун кўрсатишнинг процессуал тартиби ҳақида сўз юритилган. Далилларни тўплашнинг энг самарали ва кенг қўлланиладиган усули бўлиб таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатининг хусусиятларига қуйдагилар киритилди: 1) гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг бирор шахс ёки нарса тўғрисидаги кўрсатувини текшириб кўриш учун ўтказилиши; 2) ушбу тергов ҳаракатини ўтказишдан олдин кўрсатуви текширилаётган шахс (гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи) таниб олиши лозим бўлган шахс ёки нарсанинг белгилари ва хусусиятлари тўғрисида олдиндан сўроқ қилиниши лозимлиги; 3) таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати ўтказиб бўлинганидан кейин ҳам таниб олувчининг унга кўрсатилган объектни айнан қайси белгилари бўйича таниганлиги агар таниб олмаган бўлса, у танийдиган объект кўрсатилган объектдан нимаси билан фарқ қилиши бўйича сўроқ қилиниши лозимлиги; 4) шахс таниб олиш учун тергов олиб борилаётган ишга алоқаси бўлмаган, ташқи белгилари билан ўзига ўхшайдиган уч нафардан кам бўлмаган шахслар орасида холислар ҳузурида кўрсатилиши; 5) имкони бўлмаганда таниб олинувчининг (кийими, соч қирқтириши ёки тараши ёхуд бошқа белгилари билан таниб олиш учун кўрсатиладиган ўзга шахслар орасида яққол ажралиб турмайдиган уч нафардан кам бўлмаган шахснинг) фотосурати кўрсатилиши; 6) таниб олувчининг хавфсизлигини таъминлаш зарурати юзага келганида таниб олиш тергов ҳаракати суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг қарорига кўра таниб олинувчи таниб олувчини кўриши истисно этиладиган шароитда ўтказилиши мумкинлиги; 7) таниб олиш учун нафақат шахслар, балки мурдалар, нарса ёки ҳайвонлар, кўчар ва кўчмас мулк объектлари ҳам кўрсатилиши мумкинлиги; 8) таниб олинувчи объектлар турдош объектлар билан бирга кўрсатилиши ҳамда ушбу процессуал қоида мурдани таниб олишда қўллаш тақиқланганлиги; 9) таниб олиш учун кўрсатишнинг соат 6:00дан 22:00га қадар ўтказилиши ва уни жиноят иши кўзғатилмасидан туриб ўтказишга йўл қўйилмаслиги; 10) таниб олиш учун кўрсатишнинг жиноят ишларини тергов

қилиш босқичида ҳам суд тергови босқичида ҳам ўтказилишига рухсат берилганлиги.

Муаллиф таниб олиш учун кўрсатиш ўтказишнинг объектлари бўйича таҳлил қила туриб, таниб олиш учун 20,5 % ҳолатда шахс, 36 % ҳолатда шахснинг фотосурати, 43,5 % ҳолатда кўчар нарсалар кўрсатилганлигини, бироқ кўчмас объектни таниб олиш учун кўрсатиш 0 % ҳолатларда, яъни жуда кам ҳолатларда ўтказилишини алоҳида кўрсатиб ўтган.

Шу билан бирга, таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатининг мазмуни ҳақида фикр билдирган Д.Н. Балашов, Н.М. Балашов, А.М. Зинин, Е.П. Ищенко, С.В. Маликов, Д.М. Миразов, З.Г. Самошина, А.А. Топорков каби олимлар билан илмий мунозарага киришган ҳолда муаллиф таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатига янги таъриф берган, яъни таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг сўроқ давомида илгари кўрган ва хотирасида сақланиб қолган жиноят иши учун аҳамиятли маълумотлар, шахс, мурда ва унинг қисмлари, ҳайвон, ҳайвон мурдаси ёки унинг қисмлари, нарсалар ва объектларнинг алоҳида белгилари ва хусусиятлари орқали уларнинг айнанлигини аниқлашга қаратилган процессуал ҳаракатдир.

Муаллиф жиноят процессида таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини такомиллаштириш истиқболларини белгилаш ва унинг процессуал-ҳуқуқий аҳамиятини чуқурроқ очиб бериш ушбу тергов ҳаракатининг ривожланиш босқичлари ва унинг ижтимоий заруратини ўрганишни тақозо этишини эътироф этган ҳолда мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган қадимги давлатларда жиноят ишларини юритиш одат ҳуқуқи ва шариат нормалари асосида амалга оширилганлигини, унга кўра республикамиз ҳудудидаги давлат тузилмаларида таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати сифатида кенг қўлланилган бўлмасида, унинг айрим элементлари ўша даврларда ҳам бўлганлиги, қозиларга аҳоли асосан мулкӣ ҳуқуқларини тиклаш юзасидан шикоят қилганида даъвогар ўзининг йўқотган мулки, яъни ашёларини таниб олиб, кўрсатиб берганлиги бу каби ишларда энг муҳим далил вазифасини ўтаганлигини қайд этади. Диссертант Чор Россияси ва собиқ Иттифоқ давридаги қонунчиликда ҳам дастлаб таниб олиш учун кўрсатиш алоҳида тергов ҳаракати сифатида назарда тутилмаган бўлсада, аммо суд-тергов амалиётида қўлланилганлигини, илк бор таниб олиш учун кўрсатиш 1959 йилги Ўзбекистон ССР ЖПКнинг 11-бобида юзлаштириш тергов ҳаракати билан бирга ёритилганлигини, ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш тартибини таҳлил қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКда назарда тутилган таниб олиш учун кўрсатишнинг дастлабки тергов босқичида процессуал тартибга солинишини 1959 йилги Ўзбекистон ССР ЖПК нормалари билан таққослаб ўрганган.

Диссертацияда, жиноят процессида таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатининг тарихий ривожланиши шартли равишда уч босқичга бўлиб таҳлил қилинган. 1-босқичда 1959 йилга қадар бўлган 1-босқичда ушбу даврда таниб олиш учун кўрсатиш ҳаракати мустақил процессуал ҳаракат мақомига эга бўлмаган. 2-босқичда 1959 йилдан 1994 йилга қадар давом этган таниб олиш учун кўрсатиш мустақил тергов ҳаракати сифатида илк бор акс этган. 3-босқич 1994

йилдан кейинги даврни ўз ичига олган.

Муаллиф таниб олиш учун кўрсатиш асослари (125-м.), таниб олиш учун кўрсатишдан олдин сўроқ қилиш (126-м.), шахсни таниб олиш учун кўрсатиш тартиби (127-м.), кўчар нарсаларни таниб олиш учун кўрсатиш тартиби (128-м.), кўчмас объектни таниб олиш учун кўрсатиш тартиби (129-м.), таниб олиш учун кўрсатиш чоғида таниб олувчининг кўрсатуви (130-м.), таниб олиш учун кўрсатиш ҳолатини мустаҳкамлаш (131-м.) билан боғлиқ процессуал қоидаларни таҳлил қилиб таниб олиш учун кўрсатишнинг бирор шахс ёки нарса тўғрисидаги кўрсатувни текшириб кўриш учун: 1) бу кўрсатув муайян бир шахс ёки муайян бир нарсага оид эканлигини аниқлаш; 2) суриштирувчи, терговчи ёки судга маълум бўлган кўплаб шахс ёки нарсалар орасидан кўрсатувда тасвирлаб берилган шахс ёки нарсани топиш зарурлиги асос бўлишини таъкидлайди. У таниб олиш учун кўрсатишда нафақат шахс ёки нарсалар, балки мурдалар, ҳайвонлар ва нарсаларнинг бўлаги ҳам кўрсатиладиган объектларга киришини таъкидлайди, шунга кўра таниб олиш учун кўрсатиш объектларининг шахслар, мурдалар, ҳайвонлар, кўчар нарсалар, кўчмас объектлар каби турларини ажратади.

Шу билан бирга, бу тизимга инсон мурдасининг бўлаклари, ҳайвон мурдаси ёки унинг бўлақларини ҳам киритиш зарурлиги асослантирилган. Бу масалада муаллиф Т.А. Вольская, К.В. Злоказов ва Е.В. Чернышева билан илмий мунозарага киришган.

Диссертацияда хорижий мамлакатлар жинойт-процессуал қонунлари таҳлил қилиниб, таниб олиш учун кўрсатишнинг объектларини белгилашга оид нормалар қиёсланган ва таниб олиш учун кўрсатишнинг объекти сифатида мурданинг қисмлари (Молдова) алоҳида белгиланганлиги қайд этилган. Келтирилган фикр-мулоҳазалар, хорижий давлатлар ЖПК нормаларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш натижасида ЖПКнинг 125-моддасига янги иккинчи қисм киритиш ва уни қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилди: «Гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига таниб олиш учун мурдалар ва уларнинг қисмлари, ҳайвонлар ва уларнинг мурдалари, ҳайвон мурдасининг ва нарсаларнинг қисмлари ҳам кўрсатилиши мумкин». ЖПКнинг 126-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилди: «Таниб олувчи таниб олиш лозим бўлган шахс ёки нарсанинг, мурда ёки унинг қисмларининг, ҳайвонлар, унинг мурдалари ёки мурдасининг ва нарсалар қисмларининг белгилари ва хусусиятлари тўғрисида олдиндан сўроқ қилиниши лозим».

Диссертациянинг иккинчи боби «**Жинойт ишларини юритишда таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказиш тактикаси ва ўтказишдаги мавжуд муаммолар**»га бағишланган бўлиб, таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказиш тактикаси ва таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказишнинг бугунги ҳолати ва уни ўтказишда мавжуд муаммолар баён этилган.

Тадқиқотчи таниб олиш учун кўрсатиш мобайнида унинг тартибига оид қоидаларнинг бирортасига амал қилинмаслиги ёки норма талабларининг ижросини ҳар қандай шаклда бузилиши тергов ҳаракатининг самарадорлигини

пасайтириши баробарида олинган далилларнинг келгусида номақбул деб баҳоланишига сабаб бўлишини эътироф этади. Шу билан бирга, таниб олиш учун кўрсатишнинг ҳар бир турига оид процессуал қоидалар ўзига хос бўлиб алоҳида тактик ёндашувни талаб этиши қайд этилди. Масалан, шахсни таниб олиш учун кўрсатишда таниб олинувчининг жойлашувини унинг ўзи белгиласа, кўчар нарсаларни таниб олиш учун кўрсатишда нарсаларнинг ёки ҳайвонларнинг жойлашувини суриштирувчи ёки терговчи белгилайди. Бундан ташқари, мурдани таниб олиш учун кўрсатиш тартиби ҳам шахсни таниб олиш учун кўрсатишдан фарқ қилиб, ўхшаш шахслар орасидан таниб олиш учун кўрсатиш билан боғлиқ қоидалар мурдани таниб олиш учун кўрсатишга қўлланилмаслиги ЖПКда алоҳида белгиланган. Шунингдек, кўчмас объектларни таниб олиш учун кўрсатишнинг алоҳида тартибига мос равишда уни ўтказиш тактикаси ҳам ўзига хослиги эътироф этилган.

Шу ўринда айрим хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунларида белгиланган таниб олиш учун кўрсатишни ўтказиш тартиби қиёсий таҳлил қилинган. Жумладан 1) Беларусияда таниб олиш учун кўрсатишни овоз ва видеоёзувлар ёрдамида холисларсиз ўтказилишига рухсат берилган (Беларусь Республикаси ЖПК 224-м.); 2) Украинада зарурат бўлганда таниб олиш учун кўрсатиш видеоёзув материалларидан фойдаланган ҳолда ўтказилишига рухсат берилган (Украина Республикаси ЖПК 228-м.); 3) шахсни овози ёки юриши орқали таниб олиш учун тўрт нафардан кам бўлмаган ҳолда кўрсатилиши мумкинлиги белгиланган (Украина Республикаси ЖПК 228-м.); 4) шахсни таниб олувчига олдиндан кўрсатиш ва таниб олиши ёки олмаслиги мумкин бўлган ҳолатларни олдиндан кўрсатиб, аниқлаб олиш ёки бу шахснинг белгилари ҳақида бошқа маълумотларни таниб олувчига кўрсатишнинг тақиқланиши алоҳида қайд этилган (Украина Республикаси ЖПК 229-м.); 5) Арманистон, Қозоғистон, Молдовада мурдани таниб олиш учун кўрсатишда агар таниб олувчи уни тирик ҳолда кўрган бўлса, марҳумнинг юзини пардозлашга рухсат этилиши белгиланган (Арманистон Республикаси ЖПК 23., Қозоғистон Республикаси ЖПК 230-м., Молдова Республикаси ЖПК 117-м.); 6) Молдовада таниб олиш учун нарсани кўрсатишда уни кир, занг ёки бошқа қатламлардан тозалашга рухсат берилган ва бунда нарсадаги далилий аҳамиятга эга излар йўқолиб кетишининг ҳам олдини олиш бўйича процессуал қоидалар белгиланган (Молдова Республикаси ЖПК 117-м., Арманистон Республикаси ЖПК 222-м.); 7) Бир қанча мамлакатларда таниб олувчи гувоҳ ёки жабрланувчи бўлса, улар ёлғон кўрсатув берганлик ёки кўрсатув беришдан бош тортганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиши назарда тутилган (Арманистон Республикаси ЖПК 221-м., Беларусь Республикаси ЖПК 224-м., Туркманистон Республикаси ЖПК 268-м., Қирғизистон Республикаси ЖПК 198-м., Қозоғистон Республикаси ЖПК 230-м., Молдова Республикаси ЖПК 116-м., Тожикистон Республикаси ЖПК 206-м.); 8) Бошқа бир қанча давлатларда таниб олувчининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахсни таниб олиш учун кўрсатишни таниб олувчи таниб олинувчиларнинг визуал кузатишини истисно этувчи шароитларда амалга ошириш бўйича терговчининг алоҳида қарори чиқарилиши назарда тутилмаган (Беларусь Республикаси ЖПК 224-м., Тожикистон Республикаси ЖПК 206-м.,

Молдова Республикаси ЖПК 116-м.); 9) таниб олиш учун кўрсатишда турдош объектлар қондаси фақат мурдага эмас, балки топиш қийин бўлган ва қимматбаҳо буюмларга нисбатан ҳам татбиқ этилмаслиги белгиланган (Арманистон Республикаси ЖПК 223-м., Молдова Республикаси ЖПК 117-м., Қозоғистон Республикаси ЖПК 230-м.)

Муаллиф таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказишга пухта тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида тактик усулларни самарали қўллаш иш бўйича муҳим далилларни тўплаш имконини оширибгина қолмай, ушбу тергов ҳаракати тартибли ўтказилиши ҳам кафолатлашини қайд этган ҳолда, таниб олиш жараёни – илгари кузатилган объектни у ёки бу белгилари орқали таниш ҳисобланиши, шу боис инсоннинг эслаш қобилияти жиноят содир бўлган пайтдан бошлаб вақт ўтиши билан пасайиб бориши сабабли мазкур тергов ҳаракатини тезкор ўтказиш тактик жиҳатдан тўғри бўлиши, таниб олиш учун кўрсатиш тактик жиҳатдан уни ўтказишга тайёргарлик кўриш, ўтказиш ва натижаларини расмийлаштириш сифатли амалга оширилиши кераклигини асослаган.

Тадқиқотчининг фикрича, таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати: 1) таниб олиш учун кўрсатишни ўтказишга тайёргарлик кўриш; 2) таниб олиш учун кўрсатишни ўтказиш; 3) таниб олиш учун кўрсатиш натижасида олинган маълумотларни баённома шаклида расмийлаштиришдан иборат уч босқичда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Тайёргарлик кўриш босқичида суриштирувчи ёки терговчи жиноят иши материаллари билан яхшилаб танишиб чиқиши, кўрсатиладиган объектни белгилаши, бирга кўрсатиш учун камида иккита шахс ёки нарсани топиши, таниб олинувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ва тавсифловчи ҳужжатларни ўрганиб чиқиши, таниб олиш учун кўрсатиш жойи ва вақтини белгилаши, иш натижаларидан манфаатдор бўлмаган камида икки нафар шахсни холис сифатида таклиф қилиниши, зарур бўлганда, мутахассисни, шунингдек тергов ҳаракатининг барча иштирокчиларини чақириши, ушбу жараёнда қўлланиладиган зарур техник-криминалистик воситаларни тайёрлаши лозим деб топилганда таниб олувчининг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриши шарт. Диссертант таниб олиш учун кўрсатишнинг иштирокчиларига уларнинг ЖПКда кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини, мажбуриятларини бажармаслик оқибатларини аниқ тушунтириб бериши ва бу орқали ўша вазият учун ижобий муҳит яратиши ҳамда таниб олиш учун кўрсатишни ўтказиш босқичида суриштирувчи ёки терговчи таниб олиш учун кўрсатишнинг турини инобатга олган ҳолда ЖПКнинг 127–130-моддаларида белгиланган талабларни бажариши лозимлигини, таниб олиш учун кўрсатишнинг учинчи босқичида таниб олиш учун кўрсатиш жараёни ва натижалари ЖПКнинг 90–92-моддалари ҳамда 131-моддаси талабларига асосан аниқ ва тушунарли тарзда баённомада расмийлаштирилиши кераклигини асослаган.

Тадқиқотчи таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказишда 1) ташкилий-амалий ҳамда 2) процессуал-ҳуқуқий ва назарий муаммоларни ажратади. У таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказишдаги ташкилий-амалий муаммоларга ушбу тергов ҳаракатини ўтказишга тайёргарлик

кўриш ва уни ўтказиш жараёнида, шунингдек ўтказиб бўлинганидан кейин унинг натижаларини расмийлаштириш жараёнида юзага келадиган ташкилий ва амалий муаммоларни, шунингдек тергов ҳаракатини ўтказишга ваколатли субъектларнинг билими, тажрибаси ва кўникмаларининг етарли даражада бўлмаслигини киритади. Таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказишдаги процессуал-ҳуқуқий ва назарий муаммоларга ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш асослари, турлари, тартиби ва натижаларини процессуал-ҳуқуқий расмийлаштириш жараёнларини тартибга солувчи қонун нормаларидаги камчиликлар, тушунмовчиликлар, зиддиятли ҳолатлар киритади ва суд-тергов амалиётидан айрим мисоллар келтирган.

Масалан, сўроқ пайтида гувоҳлик бераётган шахс ўзи тасвирлаб берган нарчасини яна кўрса танишини айтган ҳолларда у айнан қайси белгилари орқали уни таниши ойдинлаштирилмаганлиги, шахсни таниб олиш учун кўрсатишда суриштирувчи ёки терговчи таниб олинувчи шахсга кийими, соч қирқтириши ёки тараши ёхуд бошқа белгилари билан ўхшаш бўлган ва таниб олиш учун кўрсатиладиган шахслар орасида яққол ажралиб турмайдиган камида икки нафар шахсни топиши қийин масала ҳисобланади. Жумладан, соч турмаги, бўйи ва танасининг физиологик хусусиятлари ҳам ўхшаш бўлган шахсларни, кўриниши ўлчами ва бичими, ўхшаш уст-бошни топиш, суриштирувчи ёки терговчи билан таниб олувчи ўртасида психологик алоқа ўрнатилмаслиги каби масалалар ташкилий ва амалий муаммоларга киради.

Муаллиф айрим мутахассисларнинг таниб олиш учун кўрсатишнинг овоз, нутқ, таъм, ҳид ва бошқа сезги органлари орқали таниб олиш каби турлари борлиги ҳамда тергов ҳаракатининг ушбу турларидан амалиётда кенг фойдаланилиши кераклиги бўйича қарашларини таҳлил қилган ҳолда ҳамда мазкур ҳолатлар билан боғлиқ масалаларни амалиёт қонунчилиги назариясидаги муаммолар қаторига киритади, мазкур ташкилий, амалий, процессуал-ҳуқуқий ва назарий муаммоларнинг сабабларини аниқлаш, илмий ва амалий ечимларини топиш мақсадида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш лозимлигини асослаган.

Ишнинг учинчи боби «**Таниб олиш учун кўрсатишнинг процессуал тартиби ва криминалистик тактикасини такомиллаштириш**» деб номланган бўлиб, унда таниб олиш учун кўрсатиш натижасида олинган далилларнинг мақбуллигини таъминлашнинг жинойт-процессуал жиҳатлари ҳамда ушбу тергов ҳаракатини ўтказишнинг процессуал тартиби ва криминалистик тактикасини такомиллаштириш истиқболлари ҳақида сўз юритилган.

Жумладан, таниб олиш учун кўрсатиш натижасида олинган маълумотларнинг мақбуллиги масаласи бошқа тергов ҳаракатлариникидан бирмунча фарқ қилиши ва у тиклаб бўлмайдиган, яъни келгусида мақбуллигини таъминлаш мақсадида маълумотларни ЖПК талабларига амал қилган ҳолда қайта тўплаб бўлмайдиган (тиклашнинг имкони йўқ) далилларни шакллантирадиган ҳамда далилларни тўплаш жараёнида аниқланган камчиликларни ушбу тергов ҳаракатини қайта ўтказиш орқали бартараф этиб бўлмайдиган тергов ҳаракати сирасига киришини таъкидлайди. Муаллиф бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик учун айрим хорижий давлатларнинг жинойт-

процессуал қонунчилигида қуйидаги қоидалар белгиланганлигига эътибор қаратади. 1) Украина Республикаси ЖПКнинг 228-моддаси (шахсни таниб олиш учун кўрсатиш) биринчи қисмида шахсни таниб олувчига олдиндан кўрсатиш ва таниб олиши ёки олмаслиги мумкин бўлган ҳолатларни олдиндан кўрсатиб, аниқлаб олиш ёки бу шахснинг белгилари ҳақида бошқа маълумотларни таниб олувчига кўрсатиш тақиқланади, шунингдек ушбу модданинг олтинчи қисмида таниб олиш учун кўрсатиш фотосурат ва видеоёзув материалларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганда шахсни қайта таниб олиш учун кўрсатишга йўл қўйилмайди; 2) Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 230-моддаси (таниб олиш учун кўрсатиш тартиби) ўн иккинчи қисмида бир шахсни бир хил белгилари билан таниб олган таниб олувчига яна такрорий равишда ўша белгиларидан таниб олиш учун кўрсатиш мумкин эмас; 3) Молдова Республикаси ЖПКнинг 116-моддаси (шахсни таниб олиш учун кўрсатиш) бешинчи қисмида таниб олиш учун бир шахсни айна бир белгилари билан такроран таниб олиш учун кўрсатишга йўл қўйилмаслиги назарда тутилган; 4) Россия Федерацияси ЖПКнинг 193-моддаси (таниб олиш учун кўрсатиш) учинчи қисмида шахсни бир хил белгилари билан такрорий равишда таниб олиш учун кўрсатишга йўл қўйилмаслиги қайд этилган. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 125-моддасини қуйидаги таҳрирда янги қисм билан тўлдириш таклиф қилинган: «Шахсни, нарсани ёки унинг фото-, видеотасвирини таниб олувчига олдиндан кўрсатиш ва таниб олиши ёки олмаслиги мумкин бўлган ҳолатларни кўрсатиб, аниқлаб олиш ёки бу шахснинг белгилари ҳақида бошқа маълумотларни кўрсатиш, шунингдек бир шахсни айна бир белгиси билан такроран таниб олиш учун кўрсатиш тақиқланади».

Муаллифнинг фикрича, таниб олиш учун кўрсатиш натижасида олинган далилларнинг ишончилигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Агар таниб олувчи сўроқ вақтида «кўрсам таниб оларман», «ҳозир эслай олмаяпман» каби иккиланиб, шубҳали кўрсатувлар берса таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Таниб олиш учун кўрсатиш натижасида олинган далилларнинг мақбуллигини таъминлаш учун ЖПКга шахсни, нарсани ёки унинг фото-, видеотасвирини олдиндан таниб олувчига кўрсатиш ва таниб олиши ёки олмаслиги мумкин бўлган ҳолатларни кўрсатиб аниқлаб олиш ёки бу шахснинг белгилари ҳақида бошқа маълумотларни кўрсатиш, шунингдек бир шахсни айна бир белгилари билан такроран таниб олиш учун кўрсатишни тақиқлашга оид процессуал қоида киритилиши мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Диссертацияда ЖПКнинг таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказиш тартибига оид нормаларини таҳлил қилиш натижасида бир қатор ҳуқуқий «бўшлиқлар» аниқланган. Масалан, ЖПКнинг нормаларида таниб олувчи шахс гувоҳ ёки жабрланувчи бўлса, ёлғон кўрсатув берганлик ёки кўрсатув беришдан бош тортганлик учун жавобгарлик тўғрисида, шунингдек ноқонуний равишда, ўзи, хотини эри ва яқин қариндошларига нисбатан гувоҳлик бермаслик ҳуқуқи тўғрисида огоҳлантирилиши бўйича процессуал қоидалар назарда тутилмаганлиги бу борада айрим хорижий мамлакатлар ЖПКларида белгиланган қоидалар таҳлил қилинади. Хусусан: 1) Арманистон Республикаси

